Тошкент ҳақиқати

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 2 (10.428).

1993 йил 5 январь сешанба

Баҳоси 5 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ТОШКЕНТ ПРЕЗИДЕНТЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ

3 январь куни Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон давлат ҳамда ҳукумат бошлиқлари Тошкентга келдилар. Учрашувда иқтисодиётни барқарорлаштириш, бозор муносабатларига қийинчиликсиз ўтиш соҳасидаги куч-ғайратларни жипслаштиришга оид кўпгина масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилмоқда.

Бу учрашув Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ўтказилмоқда. Республика раҳбари ЎзА мухбирларига мазкур анжуманнинг моҳияти тўғрисида бундай деди: «Ҳеч ким бизнинг истиқлолимизга даҳл қилолмаслиги учун ҳар биримиз ўз йўлимиздан, ўзаро тинч-тотув ва ҳамкорликда, жипслашиб ҳаракат қилишимиз зарур».

Барча давлат раҳбарлари Тошкентга келиш ҳақидаги таклифга бажонидил розилик берганликларини алоҳида таъкидламоқ керак. Уларнинг ҳар бири ўз мамлакати манфаатини ўйлаб иш тутиши табиий. Шу билан бирга уларни ягона мақсад бирлаштиради, у ҳам бўлса, — иқтисодий муаммоларни қандай қилиб бўлмасин тезроқ ва осонроқ бартараф этиш, минтақада ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйишдир.

— Гарчи мустақил бўлсак-да, ўзимиз ҳал қилолмайдиган кўпгина муаммоларга дуч келдик, — деди Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Имомали Раҳмонов. — Ҳар ҳолда, тоғли ўлкамиздаги турмуш аста-секин ўз маромига тушмоқда. Янги йил байрами кунларида республикада биронта ўқ отилмади. Назаримда, бу учрашув Тошкентда ўтказилишининг ўзига хос рамзий маъноси бор. У азалдан тинчлик ва дўстлик шаҳри бўлиб келган. Бошимизга кулфат тушган кезларда ўзбек халқининг биродарлик ёрдами эса, беқиёс бўлди. Биз халқ осойишталигини тиклашимиз, барбод этилган иқтисодиётни оёққа қўйишимиз керак. Бу борада Тошкент учрашуви муҳим қарорлар қабул қилишига ишончим комил.

Туркманистон Республикасининг Президенти Сапармурод Ниёзов қуйидаги фикрни билдирди: «Республикаларимизнинг мустақилликка эришуви мутлақо алоҳида бўлишни билдирмайди. Қолаверса, бугунги кунда ўзаро манфаатли муносабатлар биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан Ислом Каримовнинг учрашув ўтказиб, янги йилдаги иш режаларимизни муҳокама қилиш тўғрисидаги таклифини айни вақтида қилинган тўғри таклиф, деб ҳисоблайман».

Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев Тошкент учрашувининг аҳамияти ҳақида гапириб, Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон ўртасидаги азалий анъанавий дўстона муносабатларга журналистларнинг эътиборини қаратди. Ҳозирги шароитда бу муносабатларни такомиллаштириш, янги босқичга кўтариш зарурлигини айтди. Бу улкан минтақада яшовчи халқлар қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлганликлари туфайли маданий бозор муносабатларига осонгина ўта олишлари, халқнинг турмуш даражасини анча кўтаришга эриша олишлари мумкин ва лозим.

Қозоғистон раҳбари учрашувни ҳукумат бошлиқлари ва етакчи экспертлар иштирокида Тошкентда ўтказиш ҳақидаги таклиф ниҳоятда долзарблигини таъкидлади.

— Йил бошидаёқ энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун йиғилганимизда чуқур рамзий маъно бор, — деди Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев. — Парчаланиш ва жиддий инқироз даври ортда қолди, деб ўйлайман. Истиқболдаги йил бунёдкорлик йили бўлади. Бунда куч-ғайратларни жипслаштирмай туриб, биргаликдаги ҳаракат дастурисиз муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Аэропортда Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон давлат ҳамда ҳукумат бошлиқларини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Ўзбекистон Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари томонидан учрашув қатнашчилари шарафига зиёфат берилди.

Л. ЛЕВИН,
А. АЗИМОВ,
ЎзА мухбирлари.

ҚЎШМА АХБОРОТ

Давлат бошлиқлари: Қозоғистон Республикасининг Президенти Н. А. Назарбоев, Қирғизистон Республикасининг Президенти А. А. Ақаев, Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси И. Раҳмонов, Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов 1993 йил 4 январда Тошкентда учрашдилар. Учрашув қатнашчилари минтақа давлатларидаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни батафсил муҳокама қилдилар. Ушбу мустақил давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли иқтисодий, ижтимоий алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикрлашиб олиш фойдали бўлди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги аҳвол кўриб чиқилди. Ҳаммани қизиқтираётган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Муҳокама чоғида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида иқтисодий, молиявий соҳаларда ва бошқа соҳаларда ўзаро келишилган сиёсатни амалга ошириш зарурлиги ҳақида таклифлар айтилди.

Учрашувда минтақа мамлакатлари ўртасидаги икки ёқлама ва кўп ёқлама шартномалар ҳамда савдо-иқтисодий битимлар қандай бажарилаётгани таҳлил этилди. Бу муносабатлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва инсоний муаммоларни амалий ҳал этишда, шу жумладан ишлаб чиқаришдаги таназзул ва пулнинг қадрсизланиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши оқибатларини маълум даражада енгиллатиш учун асос бўлганлиги таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари минтақа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни тағин ҳам мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар. Давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар ижросини мунтазам назорат қилиб боришнинг аниқ воситаларини ишлаб чиқиш тўғрисида бир фикрга келинди.

Давлат бошлиқлари, қардош тожик халқига ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканликларини тасдиқладилар, республика раҳбариятининг Тожикистонни сиёсий ва иқтисодий буҳрон вазиятидан тезроқ олиб чиқиш юзасидан кўраётган чораларини қўллаб-қувватладилар.

Давлат бошлиқлари Тожикистоннинг конституциявий ҳокимиятини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ҳамда озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечак билан одамийлик ёрдами кўрсатишни кучайтиришни маъқуллаб фикр билдирдилар.

Учрашув доирасида халқаро ҳамкорлик ва бу соҳадаги ҳаракатларни келишиб олиш, жумладан, минтақа хавфсизлигини ва тинчликни мустаҳкамлаш юзасидан ҳамкорлик қилиш масалалари фикрлашиб олинди.

Бир-бирларига элчилар юборишга қарор қилинди ва бу масалани 1993 йил 1 февралга қадар белгиланган тартибда ҳал қилиш ташқи ишлар вазирликларига топширилди.

Давлат бошлиқлари фикрлашиб олиш натижасида ҳукуматларга нарх сиёсати, алоқаларни ривожлантириш, энергия манбалари билан таъминлаш, Орол ва Каспий денгизлари муаммолари билан боғлиқ бўлган масалаларни минтақа давлатларининг манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқишни топширдилар. Томонлар Оролни сақлаб қолиш халқаро жамғармасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Жамғарманинг мажлисларини Қизил Ўрда, Нукус ва Тошҳовузда ўтказиш зарур, деб топилди.

Учрашув қатнашчилари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувларини мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ деган якдил фикрни айтдилар. Навбатдаги учрашув шу йилнинг апрель ойида Ашгабад шаҳрида ўтади.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 4 январь.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАЁТ ТАРЗИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ «ТРУД» ГАЗЕТАСИ МУХБИРИ В. БИРЮКОВ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

— Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, ўтган янги йил арафасидаги интервьюнингизда таъкидлаган эдингизки, Сиз учун энг муҳими миллатлараро ва ижтимоий ҳамжиҳатликдир. Афтидан, МДҲнинг бошқа минтақаларига қараганда Ўзбекистонда «оловли нуқталар», қонли тўқнашувларнинг йўқлиги шундан бўлса керак. Сизнингча, ўтган йил жумҳурият учун яна қайси жиҳатлари билан аҳамиятлидир?

— Аввало шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистондаги тинчлик ва хотиржамлик объектив воқелик бўлиб, у бизнинг қаётимизга мустаҳкам ўрнашиб бормоқда ва жумҳуриятимизда яшаётган одамларнинг ўзлари буни кўриб-билиб турибдилар, ана шу тинчлик ва ҳамжиҳатлик шартларини бузиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўзларига ҳисоб бермоқдалар. «Оловли нуқта»лардаги фожеалардан азият чекаётган халқларнинг азоб-укубатларини кўз олдимизга келтирсак, ҳақиқатан ҳам тинчлик нақадар буюк ижтимоий неъмат эканлигини яққол ҳис этамиз.

Минтақадаги барқарорлик, ижтимоий ҳамжиҳатлик ижтимоий адолатли жамият қуришга жазм этган Ўзбекистон танлаган ўз йўлига нақадар садоқатли эканлигига яна бир амалий далилдир. Бу жамият бозор иқтисодиётига асосланган-дир.

Шуни масъулият билан айтишим мумкинки, биз қабул қилган бирорта қонун ёки ҳужжат қайси миллатга мансуб эканликлари, эътиқод ва маслакларидан қатъий назар, одамларнинг фуқаролик ҳуқуқларини чекламайди. Яқинда қабул қилинган Конституциямиз буни яна бир бор тасдиқлади. Ишонаманки, сиёсий барқарорликни, фуқароларнинг жипслиги ва миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлаб қололган, ҳар қандай кўринишдаги фундаментализм ва мутаассиблик хуружига йўл қўймаса, тўғрироғи, йўл бермасагина Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзига аталган ўринни эгаллаши мумкин.

— Бугунги куннинг асосий вазифасини нималардан иборат деб биласиз?

— Бугун биз учун энг муҳими — янгиланган жамиятни шакллантириш, бошланган ислоҳотларни чуқурлаштиришдир. Биз бир нарсада устивор турибмиз — ўтиш даврида ислоҳотнинг тақдирини «тўлқинлар ихтиёри»га ташлаб қўйиб бўлмайди. Бош ислоҳотчи давлат ва ҳукуматнинг ўзи бўлмоғи керак. Шуниси муҳимки, иқтисодий ислоҳотнинг устун жиҳатлари ва изчиллигини давлатнинг ўзи белгилаши лозим.

Биз олиб бораётган сиёсатнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, маърифий бозор муносабатлари инқилобий тўнтаришларсиз, тадрижий йўл билан амалга оширилиши керак. Яъни бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни қар хил бемаъни сақрашлар ва «шок терапияси»дан холи бўлиши, аҳолининг кенг қатламларига ортиқча зарар келтирмаслиги лозим. Одамлар жорий этиш давомида қанчалик қийинчиликлар туғдирмасин, охир-оқибатда ўзларининг манфаатларига хизмат қиладиган ҳар қандай ислоҳотни тушунадилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Шу боис бугун биринчи галда одамларни ижтимоий ҳимоялаш меъёрини билиш ўта муҳим заруратдир. Бу бизнинг минтақамиз аҳолисининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олганда янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Оёққа турасётган ўта мураккаб ва масъулиятли даврда халқни ҳимоя қила олмаган давлат ҳам, жамият ҳам ўзини инсонпарвар ҳисоблай олмайди. Ахир биз бозор муносабатларини бирдан-бир мақсад эмас, балки ўзини оқлаган тизим, халққа арзирли ҳаёт ва эсон-омонлик ҳадя этиш тамойили эканлигини тушунамиз.

Бир йил тарихий нуқтаи назардан қараганда кўз очиб-юмгунча ўтадиган он, холос. Бироқ у Ўзбекистон тарихи мисолида шундай воқеаларни ўз ичига олдики, бошқа пайтларда шунча юмушни уддалаш учун ўн йиллаб вақт керак бўларди. Одамларнинг миллий ўз-ўзини англаши ва масъулиятлари ўсиб бормоқда, халқнинг маънавий қадрият ва санъатлари тикланиб, ривожланиб бормоқда.

Жумҳурият мустақил давлатга айланмоқда. Бизни дунёдаги 130 га яқин давлат танилди, Ўзбекистон бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, шунингдек, кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Жаҳон хўжалигининг турли-туман тизимлари билан ўзаро фойдали ва тенгҳуқуқли ҳамкорлик ўрнатиш жараёни жадал давом этмоқда. Шерикларимизни бой ресурсларимиз ҳам, барқарор ижтимоий-сиёсий вазият ҳам ўзига ром этмоқда.

Дўстлар учун, барча яхши ниятли кишилар учун Ўзбекистоннинг эшиклари очиқдир. Биз жаҳондаги ҳамма мамлакатлар билан шерикчилик ва ҳамкорлик қилишни, бир-бирининг ички ишларига аралашмасликни жаҳон ҳамжамиятлари билан алоқаларни янада мустаҳкамлашнинг, тинчлик, барқарорликни қарор топтиришнинг энг қулай шарти деб биламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати хабар қилади

ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ

«Мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик — бизнинг асосий бойлигимиз». Москвада чиқадиган «Деловая жизнь» журналининг янги сони Ўзбекистон Республикаси ҳукумати юритаётган сиёсатнинг мақсад-мазмуни жамланган ана шу сўзлар билан очилди.

Маълумки, сентябрь ойида халқимиз республика мустақиллигининг бир йиллигини зўр тантана билан нишонлаган эди. Бир йил тарих олдида ҳеч гап эмас. Аммо Ўзбекистон учун ўтган шу бир йил асрларга татигуликдир. «Деловая жизнь» ҳам ўз ўқувчиларига бунинг аҳамиятини атрофлича тушунтириб беришни мақсад қилиб, мустақил Ўзбекистон ҳақидаги материалларга катта ўрин ажратган.

Ўзбекистоннинг географик жойланиши, иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти ҳақида илгарилари ҳам матбуотда жуда кўп маълумотномалар чиққан. Аммо республика қиёфасини энди мустақиллик мезони билан баҳолаш керак. Журналдаги Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий аҳволи, ижтимоий тараққиёти ва ташқи иқтисодий алоқалари ҳақидаги лўнда ахборотлар бу талабга жавоб беради. Айни пайтда бу маълумотномалар журналхонларни Ўзбекистоннинг мустақил ҳаёти ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун навбатдаги саҳифаларни варақлашга ундайди.

«Жаҳон ҳамжамиятига ўз йўлимиз билан». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Деловая жизнь» журнали саволларига жавоби ана шундай номланган.

Журналда таъкидланганидек, Ислом Каримов, нафақат мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти ҳисобланади, балки собиқ иттифоқ республикалари орасида ҳам биринчи Президентдир. Бу катта масъулият. Бу катта жасорат. Мустақил бир йилнинг ўзбек халқи қаётидаги аҳамияти сарҳисоб қилинганда Президент масъулиятининг тарихий кўлами намоён бўлади. Шу қисқа даврда халқимизнинг асрий орзуси — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи амалга оширилди. Халқимиз мустақиллик йўлини танлади, бу янги Конституция билан мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон халқлари ўлкадаги битмас-туганмас бойликларнинг ҳақиқий хўжайинига айландилар.

Шу бир йил ичида чинакам демократик ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдеворини қўйишга муваффақ бўлинди. Ягона мафкура ҳукмронлиги барҳам топди. Кўппартиялик, фикрлар ва ғоялар хилма-хиллиги қарор топди.

Жаҳондаги 125 давлат Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини тан олди. 60 та хорижий давлат билан дипломатик алоқа ўрнатилди.

1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Умумевропа ҳамжамияти ва жаҳондаги бошқа бир қатор етакчи ташкилотларнинг аъзоси сифатида Ўзбекистон фаол ташқи сиёсат юритмоқда.

— Давлат тараққиёти жараёнида тўпланган ҳамма яхши ва фойдали нарсалардан фойдаланамиз, — дейди суҳбатининг давомида Ўзбекистон Президенти. — Республиканинг ўзига хос хусусиятига мос келувчи ҳамма нарсани оламиз. Аммо у ёки бу моделдан кўр-кўрона нусха кўчириш ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас.

Ислом Каримов ўз жавобларида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини атрофлича шарҳлаб беради.

Собиқ Иттифоқ таркибидаги республикалар орасида Ўзбекистон вазиятнинг барқарорлиги, аҳолини ижтимоий ҳимояланганлиги билан ажралиб туради. Албатта, журнал мухбирини бунинг сабаблари, республикада кечаётган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни, ерга муносабат, хусусийлаштириш, ташқи сиёсат, Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёда, умуман мусулмон давлатлари ўртасидаги ўрни ва роли каби кўпдан-кўп масалалар ҳам қизиқтирган. Ўзбекистон Президентининг жавобларини ўқиб, келажакка умид кўзи билан қараган, ўз кучига ва юртининг бойликлари ҳамда иқтисодий қуввати ва имконига ишонган ҳолда ўзига хос йўл билан бахтиёр, фаровон ҳаётга дадил одимлаётган ўзбек халқининг қиёфасини тўла тасаввур қилиш мумкин.

Журналда Ўзбекистон олий мажлисининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича қўмитаси раиси Эркин Халилов «МДҲ: амалда ва келажакда» номли мақоласи билан қатнашган. Унда МДҲнинг ҳаётий зарурат туфайли пайдо бўлганлиги, бу ҳамкорлик жаҳон ҳамжамияти тарихида бутунлай янгича йўналишдаги муносабатларни бошлаб беражаги ишончли далиллар билан асослаб берилган.

«Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди». Бу шунчаки орзу эмас, балки республика ҳукумати юритаётган сиёсат, халқимизнинг бутун ҳаракати ана шу мақсадга бўйсундирилгандир. Республика Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўткир Султоновнинг «Мол олиб келишдан — четга мол чиқаришга» деган мақоласи ана шу ҳақдадир.

Маданий ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда фаол қатнашиш мақсадида республикамизда тижорат банкини очди. Йил охиригача унинг маблағини 1 миллиард сўм ва 20 миллион долларга етказиш мўлжалланаётир. Академия Президенти Тошпўлат Тожиддиновнинг «Ўз ҳолимизча кун кечиролмаймиз» сарлавҳали суҳбатида таъкидланишича, мазкур ташкилотнинг Ўзбекистондаги фаолияти кўп қирралидир.

Мустақиллик республикамизда виждон эркинлигини таъминлашда янги имкониятларни намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қошидаги дин ишлари бўйича қўмитанинг биринчи ўринбосари Убайдулла Уватов «Виждон эркинлиги — озодлик ва демократия қалби» деган мақоласида шу соҳада республикада амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов «Ватанимиз ягонадир» мақоласи билан «Деловая жизнь»нинг ушбу махсус сонида қатнашган.

Мустақил мамлакатнинг матбуоти ҳам мустақилликка хизмат қилиши шарт. «Бугун Ўзбекистондаги матбуот ходимларига жаҳон ҳамжамиятидаги давлатлар каби барча шароитлар яратиб берилган. Сиз Ўзбекистонга журналист сифатида келмоқчимисиз? Марҳамат. Вазирлар маҳкамаси тасдиқлаган умум қабул қилган аккредитация қоидалари асосида ташқи ишлар вазирлигининг матбуот ва ахборот бўлимидан рўйхатдан ўтинг... Бундан бошқа муаммо йўқ». Лекин республикани ҳар қандай туҳматчи учун карвонсаройга айлантиришга йўл қўймаймиз! Бу кимларгадир тоталитаризм ва демократияни бўғиш бўлиб кўринар. Кечирасиз, азизлар, мустақил Ўзбекистонда ҳақиқий ва тўғри ахборотларни сезиб, ўқийдилар. Аксинча ишлаётган ҳамкасблар билан биз энди чиқишолмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шавкат Яҳёевнинг «Саломга яраша алик» мақоласида мустақил Ўзбекистоннинг матбуот ва журналист ўртоқлар билан ҳамкорлик қоидалари ана шундай лўнда баён этилган.

Булардан ташқари «Деловая жизнь» саҳифаларида мустақил Ўзбекистон Республикаси қаёти ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратларга ҳам кенг ўрин ажратилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ҳукумати юритаётган ички ва ташқи сиёсатнинг тўғрилигини тараққийпарвар кишилар тан олмоқдалар. «Деловая жизнь» журналининг 1992 йил 13—14 сони бунга мисолдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёнилғи, энергия манбалари, техника ва ускуналарга ҳаражатлар муттасил ошиб бораётган шароитда республика шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташийдиган транспортнинг барқарор ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида «Шаҳар ва шаҳар атрофи автотранспортида йўловчилар ташиш тарифлари тўғрисида» қарор қаоул қилди. Бу қарорга мувофиқ метро, трамвай, троллейбус ва автобусларда йўл ҳақи 1993 йил 5 январдан бошлаб 3 сўм миқдорида белгиланди.

Шаҳар атрофи йўловчилар ташийдиган автомобилларида амалдаги йўл ҳақлари тарифининг энг юқори миқдори ҳам шу йил 5 январдан бошлаб 1,5 баравар ошади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ аҳолининг айрим тоифаларига шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш автомобиль транспортида юриш учун берилган ва ҳозир амал қилиб турган имтиёзлар сақлаб қолинади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Сўнгги вақтда электр энергия, ёнилғи, техника, асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар нархи беҳад ошиб кетганлиги натижасида республика йўловчиларни ташийдиган транспорт корхоналарининг иши қийинлашди.

Масалан, битта автобуснинг қиймати 102 баравар, такси учун фойдаланиладиган битта енгил автомобиль қиймати 750 баравар, бир тонна бензин — 210 баравар, бир киловатт электр энергия — 20 баравар, автомобиль шиналарининг битта комплекти қиймати 410 баравар ошди.

Ўтган йили бир йўловчининг жамоат транспортида бир марта юриши учун давлат бюджетидан қўшимча равишда ўртача 4 сўм 28 тийин сарфлаган бўлса, 1993 йилда ҳаражатлар кўпайганлиги сабабли давлат ана шу мақсадга қўшимча равишда 4 сўм 65 тийин ажратмоқда.

Аҳолининг камбағал тоифаларини, айниқса пенсионерлар, талабалар ва мактаб ўқувчиларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида республика ҳукумати шаҳар ва шаҳар атрофи жамоат транспортида юриш қийматининг қатъий миқдорини белгилаб қўйди. Масалан, мактаб ўқувчиси автобусда юриш учун 40 сўмга имтиёзли карточка сотиб олган бўлса, у 60 сўм миқдорида имтиёз олган бўларди, эндиликда у 60 сўмга автобус карточкасини сотиб олса, 90 сўм имтиёз олган бўлади.

Олий ўқув юртларининг талабалари жамоат транспортининг уч турида юриш учун қиймати 66 сўмлик карточкани сотиб олиб, 204 сўм миқдорида имтиёз олган бўлсалар, эндиликда қиймати 99 сўмлик карточкани сотиб олиб, 306 сўм миқдорида имтиёз олган бўладилар.

Пенсионерлар хусусида ҳам худди шундай. Улар жамоат транспортининг уч турида юриш учун қиймати 94 сўмлик бир ойлик карточкани сотиб олиб, 236 сўм миқдорида имтиёз олган бўлсалар, эндиликда 141 сўмга бир ойлик карточкаларни сотиб олиб, 354 сўм миқдорида имтиёз оладилар.

Қарорда таъкидланганидек, йўловчиларнинг айрим тоифалари, жумладан Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва бошқа айрим тоифадаги йўловчиларнинг пассажир транспортида бепул юришлари сақлаб қолинади.

Транспортда текин ва имтиёзли юриш билан боғлиқ ҳаражатлар 1 миллиард 101 миллион сўмни ташкил этади. 1993 йилда жамоат транспортининг зарарини қоплаш учун давлат 10,5 миллиард сўм ажратиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТЛАРИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ ВА ПЕНСИЯЛАРИГА ҚУШИМЧАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари ва хизмат кўрсатган артистларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти», «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи» фахрий унвонлари бўлган шахсларнинг иш ҳақига, мансаб маошларига ва пенсияларига ҳар ойда энг кам миқдордаги иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони бўлган шахсларга эса 40 фоизи миқдорида қўшимча белгилансин.

2. Собиқ Иттифоқ фармонларига мувофиқ «СССР халқ артисти» фахрий унвонини олган шахсларга «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» даражасида қўшимча ҳақ тўлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур мақсадлар учун зарур маблағ ажратсин.

Вазирлар маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 31 декабрь.

Шаҳар йўлларида

МАЖБУРИЙ ЧОРА

ТОШКЕНТ вилояти шаҳарларида қатновчи автобусларда юриш ҳақи 5 вардан 3 сўм бўлди. Шаҳар атрофига қатновчи машиналарга тўланадиган ҳақ миқдори ҳам бир ярим баравар кўпайди. Мажбурий кўрилган бу чора тўғрисида Тошкент вилоят йўловчилар транспорти конгресси бошқарувининг раиси С. Н. РАҲМАТУЛЛАЕВ қуйидагиларни гапириб берди:

— Маълумки, йўловчи транспортининг мавқеи йил сайин кучайиб бормоқда. Машиналарнинг кайфияти, ишларнинг меҳнати самараси муайян даражада шу ерга боғлиқ. Ҳозирги вақтда Тошкент вилоятида ташилаётган барча йўловчиларнинг 90 фоиздан кўпроғи автомобиль транспорти улушига тўғри келмоқда. Вилоятда 170 та шаҳарлараро, 214 та шаҳар атрофига ва 82 та шаҳар ичида қатновчи автобуслар йўналишлари бор. Уларда ҳар куни 1 миллиондан ошиқ йўловчи белгиланган манзилларига етказиб қўйилмоқда. Вилоятдаги барча асосий манзилгоҳлари автобус йўналишлари билан қамраб олинган, улар аҳолиси, шаҳарларни ва туман марказларини бир-бири билан боғламоқда.

Вилоят аҳолисига, турли корхоналар, ташкилотлар, ассоциациялар, хўжаликларнинг ишчи-хизматчиларига хизмат кўрсатиш учун 2 мингга яқин 70 автобус йўлга солинмоқда. Уларнинг 650 таси шаҳарлар ичида қатнаб турибди. Шаҳарлар ичидаги манзилгоҳларга ҳам қатновчилари ҳар куни салкам 700 минг кишига хизмат кўрсатмоқда.

Автомобиль транспорти жамият ҳаётининг ҳаммавий хизмат кўрсатишга эканлигини шундай бир мисолдан ҳам яққол билса бўлади: пойтахт вилояти ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар уч аҳолининг бири ҳар куни унинг хизматидан фойдаланмоқда. Йўловчилар кўпинча автомобиль ташувчилар меҳнатидан ноғора бўладилар. Кўп жиҳатдан улар бунга ҳақли. Лекин, шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, автотранспорт ходимлари ҳар куни кўпдан-кўп қийинчиликларга дуч келмоқдалар, бу уларнинг бир қисмидан ишлашларига тўсқинлик қилмоқда.

Аввало шуни айтиш керакки, бозор муносабатларига ўтиш транспортчилар ишини тартибини кескин изидан чиқарди. Агар илгари автобус-таксомотор саройлари ўзларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган масалаларни мустақил ҳал қилган, бунинг учун зарур маблағларга эга бўлган бўлсалар, ҳозирги вақтга келиб улар режали-зарар кўриб ишловчи корхоналарга айландилар.

1992 йилнинг биринчи ярмида шаҳар автобусларида юриш ҳақи 30 тийинни ташкил этган бўлса, ҳар бир йўловчини ташиш таннархи 1 сўм 20 тийин эди. Йилнинг учинчи чорагида эса ташиш ҳақи 1 сўм бўлгани ҳолда таннарх 4 сўм 60 тийинни, тўртинчи чоракда эса тегишлича 2 сўм ва 9 сўм 40 тийинни ташкил этди.

Йўловчилар ташишнинг юқоридаги турлари билан шуғулланувчи автобус саройларининг молиявий аҳволини барқарорлаштириш учун 1992 йилда республика бюджети маблағларидан зарарни қоплаш учун салкам ярим миллиард сўм ажратилди.

Ҳаражатларнинг кўпайишига олиб келган сабаблар анчагина бўлди. Аввало автомобиль ёнилғиси нархи 200 баравар ошди. Автобусларни харид қилиш нархи ўртача 102 баравар, автомобиль шиналарининг баҳоси 400 баравар қимматлашди. Бошқа қисмлар ҳам жуда қимматлашиб кетди.

Агар концерн корхоналари фақат бюджетдан бериладиган маблағлар билан қаноатланса, уларнинг иши кундан кунга ёмонлашиб бораверарди. Шуни таъкидлаш лозимки, жамоаларимизга вилоятдаги шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда саноат корхоналари катта ёрдам бермоқдалар. Чунончи, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси Волжск «Химволокно» бирлашмасига режадагидан ташқари хом ашёни етказиб бериш ҳисобига деярли минг комплект автошина олди. Бекобод туман ҳокимлиги Зафардаги автобус саройига янги автобуслар сотиб олиш учун 10 миллион сўмлик ёрдам пули берди.

Автобус саройлари жамоаларининг ўзлари ҳам ишларини яхшилашга ёрдам берувчи ички имкониятларини қидириб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Концернимизнинг ҳар бир бўлинмаси йўловчи транспорти ишини барқарорлаштириш дастурини қабул қилган. Бу дастурлар транспортдан фойдаланиш самарадорлигини маълум даражада оширишга туртки бўлади, деб ишонамиз. 1993 йил учун тузилган контрактларда биринчи ярим йилда Венгриядан «Икарус» автобуслари учун ниҳоятда зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, шунингдек, Жанубий Корея ва Туркиядан автобуслар олиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ шу йилнинг 5 январидан шаҳар автобусларида хизмат ҳақи тарифининг энг кўп миқдорини 3 сўмгача қилиб белгиланиши ва шаҳар атрофига қатновчи автобусларда амалдаги тарифларни бир ярим баравар ошириш ҳам йўловчилар транспорти ишини барқарорлаштиришга қаратилгандир.

Бундай қарор қабул қилиниши сабаблари юқорида кўрсатиб ўтилди. Нархнинг оширилиши мажбурий ва айни вақтда зарур чора бўлди. Ҳозирги оғир аҳволдан қутилишнинг бошқа чораси бўлмаганлиги учун ҳам шундай қилинди.

Бироқ хизмат ҳақининг оширилиши йўловчи автотранспорт корхоналарининг ҳаражатларини, шаҳарларда ва шаҳар атрофида йўловчилар ташиш ҳаражатларини ҳам тўла қоплай олмайди. Республика бюджети эса чархнинг ҳозирги амалдаги миқдори сақланган ҳолда ҳар бир пассажирнинг қатнаши учун ўртача тўрт сўмдан пул ажратади. Автомобиль-ҳаракатланувчи таркиб, автомобиль ёнилғиси ва моддий-техника ресурсларининг ҳозирги қиймати сақланган ҳолда 1993 йилда вилоят йўловчи транспорти кўрадиган зарарни қоплаш учун республика бюджетидан 1 миллиард 370 миллион сўм ажратиш зарур бўлади. Шу муносабат билан айрим йўловчи табақаларнинг пулсиз ва имтиёзли ҳақ тўлаб юриш ҳуқуқлари тартибга солинади. Бу ҳаражатлар бир йил ҳисобида 300 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этади. Фақатгина ўқувчиларнинг пулсиз ва имтиёзли юриши учун 75 миллион сўмдан кўпроқ ҳаражат қилинади.

1993 йилнинг биринчи кунларида вилоятдаги барча йўловчи автомобиль корхоналари жамоаларида автотранспорт ишини барқарорлаштириш ва самарадорлигини ошириш дастурларини рўёбга чиқариш, йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича аниқ ва амалий чоралар муҳокама қилинмоқда ва белгиланмоқда.

Маҳалла қўмиталари ва ҳаёт

ФАРОВОНЛИК ҚАЙТИШИГА ИШОНАМАН

МАҲАЛЛА... Бу сўз республикамизда истиқомат қилувчи ҳар бир кишига таниш ва қадрдон. Чунки унинг замирида ўзбек халқига хос меҳр-оқибат, ўзаро ёрдам, таитиллиқ ҳамда одамохунлик хислатлари ётипти. Лекин афсуски, кейинги йилларда қадриятларимизга путур етди. Маҳаллалардан ҳам файз кўтарила бошлаганди. Лекин бу ҳолнинг олди олинди. Маҳаллалар ишини яхшилаш шу куннинг муҳим, долзарб вазифаларидан бири эканлиги аён бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам Президентимиз республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида фармонлар берди.

Худди шу фармонларга асосан маҳалла жамғармасининг Тошкент вилоят бўлими ҳам тузилди. Унга Солижон Ҳамидович Воҳидов раислик қилмоқда. Бизнинг Солижон ака билан суҳбатимиз кенгашнинг айни пайтдаги фаолияти ҳамда унинг келгусидаги режалари ҳақида бўлди.

— Солижон ака, ўзбек миллатини маҳалласиз тасаввур қилиб бўлмайди. Азалдан бизда «Ёр қўшни жон қўшни», «Бир болага етти маҳалла оталиқ қилади» сингари мақоллар мавжуд.

— Гапингизга юз фоиз қўшиламан. Биз тенгилар, қолаверса кўпчилигимиз маҳаллаларда ўсиб улғайганмиз. Ёдимда, иларилари маҳаллалар, унинг гузарлари қандай обод, файзли, маҳалла оқсоқолларининг айтгани айтган, дегани деган, бўларди. Ёшлар эса ичиб олиб тўполон қилиш у ёқда турсин, катталар олдида ҳатто овозларини баландлатишни ҳам ўзларига эп кўришмасди. Ҳамма масала маҳалла чойхоналарида ҳал қилинарди. Шу боисданми, ичкиликбозлик ва жиноятчилик ҳозиргига нисбатан бир неча баравар кам учрарди. Ҳозир маҳаллалар ўз таъсирларини сусайтириб юборганликлари сабабли ҳам ёшлар орасида турли ножўя ишлар, хусусан ичкиликбозлик ва жиноятчилик кўпайиб кетди.

Мана энди мустақилликка эришдик. Бизнинг биринчи галдаги вазифаларимиздан бири халқимиз орасида асрлар давомида интиҳондан ўтиб, ўзининг афзалликларини намоён қилган қадриятларни ҳалқимизга қайтаришдан иборатдир. Ўзбекона одобу ахлоқни тиклаб, ҳаётга татбиқ қилмас эканмиз, ижобий натижаларга эришишимиз мушкул.

Шу сабабли ҳам маҳаллалар фаолиятини яхшилаш мақсадида республикамиз Президенти Ислом Каримов армонлари асосида Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлимининг кенгаши тузилди. Буни Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиевнинг шахсан ўзлари қўллаб-қувватладилар.

— Дастлабки ишни нимадан бошлаяпсизлар?

— Республикамиз Президенти фармонларида жамғармани ташкил этишдан мақсад нима эканлиги аниқ кўрсатиб берилган. Яъни тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва ижчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республиканинг маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиздандир. Кўриниб турибдики, бу маҳаллалар учун жуда катта ғамхўрликдир.

Бундан ташқари бизда таъсис конференцияси бўлиб ўтди. 33 кишидан иборат бўлим кенгаши, етти кишилик раёсат, тафтиш комиссияси сайланди. Шунисн қувончлики, 26 та йирик корхона, давлат ва жамоат хўжаликлари, ташкилот ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари таъсисчилар сифатида шартномани имзоладилар. Булар орасида Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли давлат хўжалигининг директори Ш. Каримов, Ўртачирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли жамоа хўжалигининг раиси Турғун Мадиёров, Тошкент вилоят тайёрлов идорасининг раиси Жасур Эргашхўжаев, Қуйичирчиқ районидаги «Огонёк» давлат хўжалигининг директори Зикрилла Раҳматуллаев ва бошқа ҳиммати баланд раҳбарлар бор. Шу билан бирга Президент фармонларини бажариш юзасидан Ўртачирчиқ, Тошкент, Зангиота, Қибрай, Қуйичирчиқ Оққўрғон районларининг ҳокимлари, Бекобод, Чирчиқ шаҳар ҳокимлари, Тўйтепа, Янгийўл, Пискент, Солдатск шаҳар кенгашлари ва бошқа бир қатор шаҳар ва район ҳокимликлари ҳам астойдил иш бошлаб юбордилар. Вилоят банкида ҳисоб рақамимиз очилди. Биринчи бўлиб, ушбу жамғармага вилоят ҳокими ўзининг 9 декабрь кунги фармойиши билан 5 миллион сўм ўтказди: ҳисоб рақамимиз: **Ўзбекистон АПБ Тошкент вилоят банки. Ҳисоб номери 000700308 код 172723424 Х. Сулаймонова кўчаси, 51-уй. Айни кунларда жамғармамизга маблағ ажратиш бошланди.**

— Хайрия жамғармалари қайси ҳисобга тушади? Районларда, шаҳарларда ҳам бўлим ёки вакилликлар бўладими?

— Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси низомида шаҳар ва районларда бўлим ёки юридик шахс сифатида жамғарма бошқаруви тузиш кўрсатилмаган. Шунинг учун ҳам тузилмайди. Тошкент вилояти бўлимига ҳар бир шаҳар ва райондан вакил кенгаш аъзолигига сайланган. Тафтиш комиссияси бор. Тушган пул ва моддий маблағлар фақат маҳаллалар учун сарфланади. Бунинг устидан қаттиқ назорат ўрнатилган.

Ўтказиладиган маблағлар қуриладиган гузар, кичик корхоналар очиш ва уларга ускуналар сотиб олиш ҳамда хом ашё билан таъминлашга сарфланади. Бу ишлар маҳаллалар ишини мувофиқлаштирувчи район, шаҳар кенгашлари таклифлари асосида бажарилади. Шунинг учун ҳам «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳисобида тўпланади ва юқорида мен қайд этиб ўтган ишларга сарфланади.

— Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди, деган доно халқимиз. Бу маблағлардан ташқари бошқа даромад манбаларини ҳам излаётган бўлсангиз керак?

— Ҳа, албатта. Биз кичик корхоналар очиш ниятидамиз. Бу борада Ўртачирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли жамоа хўжалиги жамғармамизни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Бу ерда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарниладиган кичик корхона очилянти. Шу билан бирга Тошкент вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси билан катта-катта маҳаллалар марказларида новвойхона ,чойхона, турли дўконлар очамиз. Булар ҳам жамғармамизга иқтисодий жиҳатдан мадад бўлади. Бундан ташқари қишлоқ шўролари ҳамда маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда кичик маиший хизмат уйлари, темирчилик дўконларини очишни ҳам режалаштиряпмиз. Кўрилаётган бу тадбирлар амалга ошса, бирйўла бир неча муаммо ҳал бўлади. Биринчидан, кишилар битта пичоқни чархлатиш ёки пойабзални таъмирлаш учун ёки иссиқ нон сотиб олиш мақсадида район ёки қишлоқ марказларига қатнашдан қутуладилар. Иккинчидан эса жамғармамизга бу кичик корхоналардан, устахона ҳамда дўконлардан фойда тушади. Учинчидан эса, маҳалладаги ҳунармандларни ишга жалб этиб, ишсизларга иш топилади.

— Юқорида айтиб ўтган маблағлар қандай йўл билан тақсимланади?

— Биз биринчи навбатда кам таъминланган оилаларга, ногиронлар, ёлғиз кишиларга ,етим-есирларга ёрдам берамиз. Маҳаллалар аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий талабларига кўмаклашамиз.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Президентимиз, вилоят ҳокими, таъсисчилар томонидан берилган пуллар мен юқорида айтиб ўтган тадбирларни бошлаш учун дастмоя ҳисобланади.

— Солижон ака, маҳаллаларда ишни йўлга қўйишда бош суянчиғингиз маҳалла қўмиталари ҳамда уларнинг раислари бўлса керак?

— Шундай. Биз улар билан алоқани ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳаракат қилаяпмиз. Айни пайтда вилоятимизда 1414 та маҳалла қўмитаси ишлаб турибди. 7 та катта шаҳарларимизда 123 та, районга бўйсунувчи шаҳарларда 63 та маҳалла қўмиталарининг раислари ва котиблари бюджет ҳисобидан иш ҳақи олишмоқда. 1118 та маҳалла қишлоқ шўролари, давлат ва жамоа хўжаликлари ҳудудида фаолият кўрсатмоқда. Мен ҳам аминманки, жойларда маҳалла қўмиталарининг раислари ўз ишларини жонлантирсалар, фаолларни атрофларига йиғиб, умум ишимиз учун фидойилик кўрсатсалар ишимиз юришиб кетарди. Унутилган қадриятларимиз тикланади.

Айни пайтда ҳам анчамунча иш қилиняпти. Жойларда миллий удумларимиз асосида маҳалла тўйлари, Наврўз байрами, суннат тўйлари ва бошқа тадбирлар ўтказиляпти. Шуларнинг ҳаммасига маҳалла фаолларн бош-қош бўлишмоқда. Кези келганда мен Зангиота районидаги «Қуёшли» маҳалла қўмитасининг раиси Убайдулла Абдуллаев, Ангрен шаҳридаги Ғафур Ғулом номли маҳалла қўмитасининг раиси Садиниса Жўраева, Тўйтепа шаҳридаги Муқимий номли маҳалла қўмитасининг раиси Ғофур Холиқов, Қибрай районидаги Беруний номли маҳалла қўмитасининг раиси Мирзатой Йўлдошев, Тошкент районидаги Навоий номли маҳалла қўмитасининг раиси Эркин Ғуломовларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олиб ўтишни истардим. Бундай тадбиркор раисларнинг рўйхатини давом эттириш мумкин. Айнан шулар маҳаллаларнинг тинч-тотувлигини таъминлаб, удум ва анъаналарни авайлаб-асраш ҳамда бойитишда ташаббус кўрсатиб келяпти. Бунинг учун уларга минг раҳмат.

Сўзимнинг охирида шуни айтиб ўтмоқчиманки, юрт ободончилиги, фаровонлиги ҳар биримизга боғлиқ. Бу йўлда қўлни қўлга бериб бир-биримизни тушуниб, тотувликда ишласак, тез орада ҳар биримизнинг оиламизга фаровонлик қайтади. Мен бунга ишонаман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Неъмат РАФИҚОВ.

Мактаб, оила, жамият ва иқтисодиёт

«ФАРЗАНДГА ОДОБ, ҲУНАР ЎРГАТМОҚ—МЕРОС»

МАЪЛУМКИ, инсон баркамоллиги унинг маънавий дунёсининг қандайлиги билан белгиланади. Яхши тарбия ва илм кишининг қимматбаҳо бойлигидир. Инсон боласи энг эзгу одобни аввало уйидан, сўнг жамоатдан, мактабдан олади. Бироқ қадимдан фарзанд тарбиясининг бутун масъулияти ота-онага, оилага юклатилган. Бу ҳақда Кайковуснинг «Қобуснома»сида шундай жумла бор: «Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билгил, агар сен ҳоҳ унга адаб ўргатгил, ҳоҳ ўргатмагил, турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатур. Ундоқким дебдурлар, ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдур».

Назаримда, ҳозирги иқтисодий оғир жараён давом этаётган ва кундалик турмушда сезилиб турган пайтда жамиятимиздаги чирик иллатлардан фарзандларимизни асрай олмаяпмиз. Унинг бағрига яна янгилари келиб қўшилмоқда. Шу кунларнинг ташвиши билан бўлиб аксарият ота-оналар фарзандларимиз келажагини ўйламай қўйдилар. Кўп ҳолларда мактабни ярим йўлда ташлаб тирикчилик измида пул топиш йўлига кириб кетаётган болаларга шахсан ота-оналарининг ўзлари ҳомийлик қилаяптилар. Албатта, болага ёшликдан ҳунар ва пул топиш йўлларини ўргатган маъқулдир. Бироқ 13—14 ёшли бола қандайдир бошланғич илм ва хат-саводга, кенг тафаккурга ҳам эга бўлиши керак-ку ахир?! Мен бу билан бола фақат мактабга қатнасин, деган эски ақидадан йироқман. Лекин айни шу ёшда ҳам илм, ҳам ишбилармонлик, тижорат эркини, ёнмаён олиб борилса тўғри бўларди. Савдо, ўзаро ишбилармонлик, ҳуқуқий меъёрларнинг фойда ва зарарли томонлари мактабданоқ ўргатилиши шарт.

Яқинда америкалик бир фермер ўқувчининг фаолиятини ойнаи жаҳонда кўрсатди. У кун бўйи катта хўжалигини бошқариб, кечқурун ўқир экан. Бу ёш фермернинг дунёқараши шунчалик кенгки, одамнинг ҳаваси келади. Тўғрисини айтиш керак, бизда эса оддий билимсизлик турли ҳуқуқий бузилишлар, нотўғри ёндошишларга олиб келмоқда.

Эндиликда янги иқтисодий сиёсат туфайли элимизда ҳам сармоядорлар, хусусий корхона эгалари пайдо бўладилар. Хўш, бундай шароитда ўрта мактабда берилаётган фан асослари етарлими?— деган ҳақли савол туғилади. Айрим ота-оналар, қолаверса болаларда ҳам шундай гаплар юради. «Пул санашни билсанг бўлди-да, ўқиб нима қиламан?» Бундай гапларни кўплаб ёшлардан эшитаман. Афсуски, бу нотўғри тушунча. Хўп, сармояни кўпайтириш учун санашни билиш кифоя қиладими? Ахир сармоя катталашган сари иқтисоднинг маълум қонун-қоидаларини билиши шарт бўлиб қолади-ку. Уни ўринли сарфлаш, банк муносабатлари, шартнома асосида хизматчи, ишчиларни ёллаш, ишлаб чиқариш ва савдо шохобчаларини кенгайтириш, истеъмолчилар билан муомала қилиш каби юмушларни фақат пул санаш билан бажариш мумкин бўлмай қолади-ку. Акс ҳолда сармоядор тезда инқирозга юз тутиши аниқ.

Мана шу гапларнинг асосида умуминсоний билимлар ётади. Қолаверса, чет элга чиқиш учун ҳам маълум билимлар мажмуи керак. Яна бир ҳақиқатни очиқ тан олайлик. Нега чет элдан келаётган тижоратчиларнинг билим савияси биздагилардан кескин фарқ қилади? Улардаги тўлақонли билим вазминлик, кўп тилни билиш каби хусусиятлари кишининг ҳавасини келтиради. Уларда катта бойликларини ўринли сарфлаш қобилияти сезилиб туради.

Фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиши, жумладан, савдо-сотиқда ҳам илмли бўлишини «Қобуснома»да шундай баён қилинади: «Савдо жадалида ишни ўзгаларнинг қўлига бермагил, ўзингнинг суд ва зиёнларингни ҳамиша ўзинг ҳисоб қилгил, нединким, ҳисоб қилмоқ ва на чоғлиқ суд ва зиён бўлгонин билмоқ бозорган учун кўп фойдали ишдур. Ҳамма вақт оз ва кўп фойдани, оз ва кўп зиёнини фикр эт ва муомала қил, токи суд ва зиёнингдан ғофил қолмагайсаи. Кишига хиёнат қилмоқдан қочғилки, ҳар ким бирор кишига хиёнат қилса, ўзига хиёнат қилганидур». Ушбу бандда ҳам Кайковус савдо ишида муносабатлари, шартнома асосида хизматчи, ишчиларни ёллаш, ишлаб чиқариш ва савдо шохобчаларини кенгайтириш, истеъмолчилар билан муомала қилиш каби юмушларни фақат пул санаш билан бажариш мумкин бўлмай қолади-ку. Акс ҳолда сармоядор тезда инқирозга юз тутиши аниқ.

Мана шу гапларнинг асосида умуминсоний билимлар ётади. Қолаверса, чет элга чиқиш учун ҳам маълум билимлар мажмуи керак. Яна бир ҳақиқатни очиқ тан олайлик. Нега чет элдан келаётган тижоратчиларнинг билим савияси биздагилардан кескин фарқ қилади? Улардаги тўлақонли билим вазминлик, кўп тилни билиш каби хусусиятлари кишининг ҳавасини келтиради. Уларда катта бойликларини ўринли сарфлаш қобилияти сезилиб туради.

Фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиши, жумладан, савдо-сотиқда ҳам илмли бўлишини «Қобуснома»да шундай баён қилинади: «Савдо жадалида ишни ўзгаларнинг қўлига бермагил, ўзингнинг суд ва зиёнларингни ҳамиша ўзинг ҳисоб қилгил, нединким, ҳисоб қилмоқ ва на чоғлиқ суд ва зиён бўлгонин билмоқ бозорган учун кўп фойдали ишдур. Ҳамма вақт оз ва кўп фойдани, оз ва кўп зиёнини фикр эт ва муомала қил, токи суд ва зиёнингдан ғофил қолмагайсаи. Кишига хиёнат қилмоқдан қочғилки, ҳар ким бирор кишига хиёнат қилса, ўзига хиёнат қилганидур». Ушбу бандда ҳам Кайковус савдо ишида муносабатлари, шартнома асосида хизматчи, ишчиларни ёллаш, ишлаб чиқариш ва савдо шохобчаларини кенгайтириш, истеъмолчилар билан муомала қилиш каби юмушларни фақат пул санаш билан бажариш мумкин бўлмай қолади-ку. Акс ҳолда сармоядор тезда инқирозга юз тутиши аниқ.

Мана шу гапларнинг асосида умуминсоний билимлар ётади. Қолаверса, чет элга чиқиш учун ҳам маълум билимлар мажмуи керак. Яна бир ҳақиқатни очиқ тан олайлик. Нега чет элдан келаётган тижоратчиларнинг билим савияси биздагилардан кескин фарқ қилади? Улардаги тўлақонли билим вазминлик, кўп тилни билиш каби хусусиятлари кишининг ҳавасини келтиради. Уларда катта бойликларини ўринли сарфлаш қобилияти сезилиб туради.

Фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиши, жумладан, савдо-сотиқда ҳам илмли бўлишини «Қобуснома»да шундай баён қилинади: «Савдо жадалида ишни ўзгаларнинг қўлига бермагил, ўзингнинг суд ва зиёнларингни ҳамиша ўзинг ҳисоб қилгил, нединким, ҳисоб қилмоқ ва на чоғлиқ суд ва зиён бўлгонин билмоқ бозорган учун кўп фойдали ишдур. Ҳамма вақт оз ва кўп фойдани, оз ва кўп зиёнини фикр эт ва муомала қил, токи суд ва зиёнингдан ғофил қолмагайсаи. Кишига хиёнат қилмоқдан қочғилки, ҳар ким бирор кишига хиёнат қилса, ўзига хиёнат қилганидур». Ушбу бандда ҳам Кайковус савдо ишида

шунчалар мактабларда алдақачон киритилган. Ишончимиз комилки, Ўзбекистонлик етук иқтисодчи олимларимиз бу масалани тезлик билан кун тартибига қўядилар. Ҳозир бундай мактаблар йўқ эмас. Масалан, Чилонзордаги 90-ва 138-ўрта мактабларда иқтисод фани чуқур ўргатиладиган синфлар ишлаб турибди. Уларга етук иқтисодчи олимлар сабоқ бермоқдалар. Болаларнинг ҳам иқтисод ва кибернетика асосларига қизиқиши катта бўлиб, бир йўла хорижий тиллар чуқур ўргатилмоқда.

Ҳозир республикамизнинг бир гуруҳ олим ва мутахассислари ёшларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш бўйича аниқ компьютерли дастурларга эгадир. Бироқ уларни қўллаш учун энг замонавий компьютерлар мактабда бўлиши талаб қилинади. Бу дастурлар болаларга бир йўла инглиз тилини ўргатиш билан бир қаторда иқтисодий саводларини ҳам ошириб боради. Майда корхоналарни бошқариш иқтисодий ўйинларни уюштириш, фойда ва зиён каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Республикамиз иқтисодчилари, саноатчилари келажак режаларини тузиб, инқироздан чиқиш йўлларини ўйлаётган бир пайтда бир нечта амалий таклифларим бор. Биринчидан, ялпи компьютерли саводга ўхшаш ялпи иқтисодий саводхонлик тизимини ишлаб чиқиб, аҳолига кенг тарғибот этиш лозим. Бунда савдо ва ишбилармонликнинг асл моҳияти, ҳуқуқий томонларини мактаб ва бошқа ўқув юртларида мажбурий ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Иқтисодий таълимнинг муҳим тушунчаларини оммавий матбуот, ойнаи жаҳонда махсус ўқув дастурлари сифатида ўқитилиши жоиздир. Иккинчидан, майда хусусий корхоналарнинг кенг истеъмол моллари, туркона озиқ-овқат ишлаб чиқаришига катта имкониятлар яратиб бериш лозим. Ана шундай фаолият билан шуғулланувчиларни бепул, қисқа ишбилармонликни ўргатувчи курсларга жалб этиш, уларга энг зарурий билимларни ўргатиш керак. Учинчидан, халқдан чиққан энг абжир, илмли кордомонларни давлат йўли билан ҳимоялаш, умуман ташқи давлатлар билан алоқа ўрнатишга ҳар томонлама ёрдам беришни кафолатлаш ҳам муҳимдир.

Хуллас, ялписига иқтисодий таълим керакми? —деган саволга, бугунги кунга келиб, «Ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Бироқ, таълимнинг ҳар бир бўғинига бу тушунчаларни бугуноқ киритмасак, эртага кеч бўлади. Оилавий иқтисодни ҳам бугунги кунга мослаштиришда ота-она тарбиянинг бу бўғинига эътибор бериши шарт деб ўйлайман. Акс ҳолда, эски тушунчалар асосида оилаларнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиши мумкин. Ҳар бир оиланинг иқтисодий бақувват бўлиши учун бирор нарсани яратиши, қайта ишлаши ёки бебаҳо мутахассис бўлиши замон талабидир. Илгари болаларимизга шунчаки хорижий тилларни умумий дунёқараш ёки олим бўлиши учун ўргатган бўлсак, бугунги кунга келиб эса кўп тилни билиш бевосита эҳтиёж бўлиб қолмоқда. Умуман давлатимиз бақувват бўлсин десак, оилалар бақувват иқтисодга эга бўлиши керак. Менимча, бунга барча шарт-шароитлар бор. Республикамиз Президентининг томорқа участкаларини аҳолига тарқатиш ҳақидаги Фармони, кенг хусусийлаштиришнинг республикамизда амалга ошиши ва ташқи дунё билан эркин борди-келди қилишимиз фуқароларга катта имконият беради.

Бахтиёр КАРИМОВ, олий тонфали муаллим.

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

БУ КОРХОНА ҳудудига қадам босган кишининг нигоҳи саф тортган осмонўпар хирмонларга тушади. Уларнинг яратувчилари — оддий кишилар. Фақат бир хислатлари билан бошқалардан ажралиб турадилар. Мавсумда улар вақтлари билан ҳисоблашмайдилар. Куну тун фидойилик кўрсатадилар.

— Жамоамизда 500 га яқин киши ишлайди, — дейди Қорасув пахта заводининг директори, тажрибали мутахассис Ислом Ҳайдарқулов, — ҳаммамиз бир оила фарзандларидекмиз. Шу боис бўлса керак, минг-минг тонналаб пахтани хирмонларга уюб олиш, уни қайта ишлаш, тола ажратиш, тойлаш ва бошқа жараёнлардаги меҳнатимиз самарали бўлмоқда.

Корхона жамоаси янги ҳосилни қабул қилишни яхши ташкил этиши учун эрта баҳорданоқ ҳозирлик кўрди. Хирмон уювчи транспортёрлар, ҳосилни тозалаш, қуритиш, саралаш цехларига даҳлдор агрегатлар, шамоллатгичлар мавсумга анча эрта ҳозирлаб қўйилди. Бу эса айни йиғим-терим чоғида пахтани бетўхтов қабул қилиб олишга имкон яратди.

— Ишлаган одам тишлайдиган пайт келди, — дейди ҳамроҳимиз бош муҳандис Акбар Сулаймонов, — маъмурият ишчиларнинг моддий шароитини яхшилаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатди. Ишчилар беш-тўққиз минг сўм атрофида маош олишяпти. Кўнгил тўлгандан кейин бурчга муносабат ҳам ўзгарар экан.

Дарҳақиқат, шу ўзгариш ҳар бир цехда, участкада сезилиб турибди. Хирмон уювчилар қатор-қатор 250, 450 тонналик «олтин тоғ»ларни маромида, ҳосилни хавфсиз сақлаш талабларига мос ҳолда бунёд этдилар. Тозалаш, қуритиш, тола ажратиш цехлари ишчилари ҳам кунлик нормаларини 110—120 фоиз адо этиб, мусобақада мунтазам пешқадамлик қилишаётир.

Тойлаш цехида асосан ёшлар ишлашар экан. Улар тайёрлаган маҳсулот Ҳамдўстлик Давлатларига ва чет элга буюртма асосида жўнатилмоқда. Шунинг учун ҳам цехда ёшларнинг меҳнатига аввало сифат нуқтаи назаридан баҳо берилади. Тойловчилар эса ана шу ишончни оқламоқдалар.

Бош инженер бизга заводда Тоҳир Ўтбосаров, Сафар Шертоев, Расул Турматов бошлиқ бригадаларда иш унумли бўлаётганлиги ҳақида ҳам гапириб, корхонанинг Наби Пардабоев, Фарид Мирсаянов, Турсунали Нурматов, Абдукарим Абдураҳимов сингари мутахассислари агрегатларнинг узлуксиз ишлашини, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда сидқидиллик кўрсатаётганликларини алоҳида таъкидлади.

Иш жараёни билан танишар эканмиз, завод ҳудудида тартиб, саранжомсаришталикка қатъий риоя этилганлигининг гувоҳи бўлдик. Хирмонлар атрофи озода, дарвозадан кираверишга яқин жойда барпо қилинган катта теплицада барқ уриб ўсаётган лимонларнинг анвойи ҳиди димоққа урилади. Жамоа учун ошхона мавжуд, ювиниш, кийиниш жойлари ҳам ораста ташкил этилган.

— Одамлар унумли ишласин деган раҳбар, аввало, шароитни яхшилайди, — дейди шу заводга қарашли Чиғириқ пахта пункти директори Болтабой Иброҳимов, — бу борада Исломжон ҳам, Тўйтепа пахта пункти мудири Мавлан Ҳайдарқулов ҳам озми-кўпми қатор тадбирларни амалга оширишди.

Ҳ. САИДОВ.

СУРАТДА: янги ҳосилдан тайёрланган пахта тойлари.

Суратқаш В. ХАРИТОНОВ.

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Сешанба, 5. I

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Куйла, дуторим». Телефильм.
7.50 «Шаҳар таронаси». Бадиий фильм.
9.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мўъжизалар маскани».
10.10 «Алифбе» байрами.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сеҳргар ким!». Мультфильм.
18.35 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Рақслар гулдастаси».
19.50 «Чорраҳа». Бевосита мулоқот.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.20 «Ҳур қизлар». Бадиий фильм. 2-серия.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Алоқалар ва шартномалар».
19.50 «Мусиқали меҳмонхона».
20.20 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Тинглаб, томоша қилинг...».
9.40 «Гол».
10.05 Қадимий саҳий эртаклар. «Буратиноннинг саргузаштлари». 2-серия.
11.15 Низомиддиновлар оилавий ансамбли ижро этади (Тошкент).
11.25 «Турмуш ижир-чижирлари». Бадиий телесериал. 14-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Ҳукмдорлар». Телевизион бадиий фильм.
13.30 «Қўшимча ғилдирак». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.50 «Мушук Леопольднинг сайли». Мультфильм.
14.00 «Парвоздаги стюардесса». «Нодир асарларнинг ишқибозлари» криминал сериалидан телевизион бадиий фильм (Италия).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Билмасвой Қуёшли шаҳарда». Мультфильм.
17.15 «Рок-сабоқ».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Талаб қилинган кино».
18.50 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
19.05 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Австралия).
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Икки гусар». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
23.30 «Ҳарбий ревю».
24.00 Янгиликлар.
00.40 Париж—Дакар авторалиси.
01.10 «ВИД-презент».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон нишилар даври.
8.55 «Ҳақиқат оқлари».
9.50 Ишдан бўш пайтингизда премьераси. 9-серия.
17.25 Ота-оналар учун эртаклар.
17.55 Эълонлар.

*

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Сезам» кўчаси.
18.15 Мусиқали дастур.
18.40 Эълонлар.
18.45 Бизнинг қўллар.
19.30 Видеофильм.
20.20 Концерт.
21.02 Хабарлар.
21.20 Концерт.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.20 Эълонлар.
22.25 «Буржлар даъвати».
23.20 Санкт-Петербург балети. А. Дворжак. «Хазон бўлаётган барглар».
00.10 «Пилигрим».

Чоршанба, 6. I

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қалбим ардоғи». Комилжон Йўлдошев куйлайди.
8.00 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
9.20 Болалар учун. «Қўғирчоқлар рақсга тушади».
9.50 Болалар учун фильм «Шоҳ Султон ҳақида эртак».
10.45 Ўзбекистон композиторларининг романсларн.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Балиқ тилга кирди», «Кичкина деманг бизни» Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Аралаш». Киножурнал.
19.30 «Табассум улашиб...». Дам олиш мусиқий кўрсатуви.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 1993 йил — Хўжа Аҳмад Яссавий йили. «Мерос».
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун фильм. «Сеҳрли тўп».
19.30 «Қизиқарли учрашувлар».
20.30 «Афсона йўлидан». Мусаввир Содиқ Раҳмонов.
21.00 «02» тўлқинида».
21.20 «Бу шунақа ўйин», Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Шоён мўйқалам». Мультфильм.
9.45 В. Девятов куйлайди.
10.05 Қадимий саҳий эртаклар. «Қор маликасининг сири». 1-серия.
11.25 «Ҳайвонот оламида».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «54 ёшга тўлганимда». Телевизион бадиий фильм.
13.45 «Мушук Леопольднинг шифохонаси». Мультфильм.
13.55 «Жарангдор «Галеон». «Нодир асарларнинг ишқибозлари» криминал сериалидан телевизион бадиий фильм (Италия).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Билмасвой Қуёшли шаҳарда». Мультфильм.
17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.50 «Пингвинча». Мультфильм.
19.00 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.50 Театр учрашувлари. «Шаляпин уйида Рождество».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 Телеэкранда биринчи марта. «Исо пайғамбарнинг онаси». Бадиий фильм («Мосфильм», Исроил «Апрелькором», «Товариш» ижодий бирлашмаси).
23.00 Янгиликлар.
23.40 Рус диний қўшиқлари яграйдн.
24.00 Рождество. Москвадаги Богоявлен кафедрал соборидан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон нишилар даври.
8.55 «Буржлар даъвати».
9.50 «Параллеллар».
10.05 «Маза, таътиллар». «Чевар Марья». Бадиий фильм.
11.20 «Бурда моден» тавсия этади...
11.50 Танаффус. «Яблоко» гуруҳи.
12.00 Кундузги сеанс. «Имонжон». Кўп серияли бадиий телефильм. 2-серия.
13.30 ТИННО Савдо уйи.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 Санкт-Петербург балети. «Хазон бўлаётган яproқлар».
14.45 Мульти-пульти.
15.05 «Сигнал».
15.20 Янгиликлар.
15.35 «Рост» студияси. «Рус рождествоси Парижда» 2-кўрсатув.
16.05 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.50 Православ мусиқаларидан фильм-концерт.
17.25 Маза, таътиллар. «Моцарт» операцияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 10-серия.

*

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Сезам» кўчаси.
18.15 Мусиқали дастур.
18.30 Хабарлар.
18.40 Эълонлар.
18.45 Бизнинг қўллар.
19.45 «Қиссадан ҳисса».
20.00 «Индустриализациялаш йўлида».
20.25 «Мемнуне-миллиардер».
21.05 Хабарлар.
21.20 Осиё тароналари.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.20 Эълонлар.
22.25 Парламент хабарномаси.
22.40 Спорт кўрсатуви.
22.45 «Олис-олислардан эшитилиб турарди...».
23.10 «Оппозиция».
23.50 Эълонлар.
23.55 Мусиқа йирик планда.

Пайшанба, 7. I

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Ҳамид Сулаймон». Телефильм.
7.55 «Суюнчи». Бадиий фильм.
9.10 Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетида Янги йил байрами.
9.50 Яккасарой тумани 5-болалар мусиқа мактаби ўқувчиларининг чиқиши.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Булутли ўлкаларда сайр», «Фил учун совға». Мультфильмлар.
18.30 «Ўзбек футболи — 80 ёшда». Тошкентдаги Кино уйидан ёзиб олинган кўрсатув.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Президент фармонлари амалда.
19.40 Маъмуржон Тўхтасинов ва Абдулла Акбаровлар концерти. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.00 «Қўғирчоқ». Бадиий фильм.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Ажойиботлар ёнимизда».
19.25 «Билим сарчашмалари».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

7.55, 14.55, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
8.00 Янгиликлар.
8.35 Эрталабки гимнастика.
8.45 Краснодар ўлкаси Анастасиевск станицасида байрам.
9.30 Қадимий саҳий эртаклар. «Қор маликасининг сири». 2-серия.
10.40 «У қайта туғилди». Мультфильм (АҚШ).
11.10 Муҳофаза ёрлиғи. «Уй кўри».
11.40 «Сиз учун учрашувлар». Епископ Василий (Родзянко) «Останкино» концерт студиясида.
12.55 «Радио-хит». Болалар учун Рождество мусиқий кўрсатуви.
13.55 «Телеёдномалар».
14.20 «Билмасвой Қуёшли шаҳарда». Мультфильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Иқболи кулганда».
16.00 «Триумф» Россия совринининг 1992 йил ғолибларига топширилиши. Давлат академик Катта театридан олиб кўрсатилади.
16.20 «Веди».
17.05 Союзлар уйининг Колонна залида «Рождество арчаси».
17.45 «Шоу-бис». Спорт дам олиш кўрсатуви.
18.45 «Бас қилақолинг ва кечиринг». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар («Одиссей» хўжалик ҳисобидаги ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Рождество учрашувлари». Сизни Алла Пугачева таклиф этади.
23.40 «Аргонавтлар». Мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Рақслар, рақслар, рақслар».
01.20 Париж—Дакар авторалиси.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
8.40 «Рождество байрами».
9.20 Маза, таътиллар. «Лапланд эртаклари». Мультфильм.
10.35 Мульти-пульти.
10.45 «Замоскворечье байрам».
11.25 Дмитрий Покровский халқ ашулари ансамблининг концерти.
12.10 Кундузги сеанс. «Севги ҳисси». Бадиий фильм.
13.15 «Фольклор».
14.00 Эълонлар.
14.05 Россия қобусномаси. «Рус подшолари». 2-фильм
14.50 «Пайшанбадан бошқа ҳеч қачон». Бадиий фильм.
16.10 «Рождество кечалари».
16.40 Маза, таътиллар. «Моцарт» операцияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 11-серия.
17.10 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 17-серия.
17.25 «Россиядан Россияга».
17.55 Эълонлар.

*

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Сезам» кўчаси.
18.15 Мусиқали дастур.
18.30 Хабарлар.
18.40 Эълонлар.
18.45 «Маданият ва Ислом».
19.30 «Хотира». Концерт.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.05 Телеэкранда премьера. «Ниагара». Бадиий фильм.

*

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.50 Ҳужжатли фильм.
23.00 «Мавзу».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.35 «Фортуна» телеканали. «Тодес» шоу-балети». «Данс-класс».

Жума, 8. I

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Дил ноғаралари». Мусиқий кўрсатув.
8.25 «Келинлар қўзғолони». Бадиий фильм.
9.50 Болалар учун. «Ёрилтош».
10.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Футик ва мўйлабли кампиршо». Мультфильм.
18.20 «Таълим ва маданий мерос».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ўзбекистон саноати».
19.45 «Гулиорамнинг гулдастаси». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулнора Низомова.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 ЎзТВ хазинасидан. Эмиржон Усмонов. «Қўриқхонада». Видеоспектакль.
22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.45 «Фожиага йўл қўймаймиз». Бадиий фильм.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Маппет-шоу». Қўғирчоқ телефильм-концерт.
18.30 Концерт.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Адабий, маданий жаниликтар».
19.30 «Поэзия муноттору».
19.40 «Жани колледж».
20.00 «Таалим».
20.20 «Жазуучу жана турмуш». К. Сактанов.
21.00 «Низомий». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.10 Қадимий саҳий эртаклар. «Букри-тойчоқ».
11.30 «Америка М. Таратута билан».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Салом, мен холангизман». Телевизион бадиий фильм.
14.00 «Гармония». Телевизион бадиий фильм (Венгрия).

*

15.00 Янгиликлар.
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 Л. Трухина куйлайди.
16.20 «Билмасвой Қуёшли шаҳарда». Мультфильм.
17.05 «440 герц». Ўсмирлар учун мусиқий кўрсатув.
17.45 «Иш».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Режиссёр Валерий Рубинчик фильмлари. «Хотима».
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Америка М. Таратута билан».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Детективлар клуби»да. «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради. «Елисей ўтлоқларида коррида». Бадиий фильм. «Хусусий детектив Нестор Бурманинг саргузаштлари» сериалидан (Франция).
22.50 «Эспаньола» ансамбли чалади.

«ВИД» таништиради:

23.10 «Сиёсий бюро».
23.45 «Музобоз».
01.00 «Ҳафтанинг машҳур ки шиси».
01.15 «Авто-шоу».
01.30 «Обоз майдончаси». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон нишилар даври.
8.55 «Муқаддас тупроқ».
10.40 Маза, таътиллар. Мультфильмлар.
11.30 «Бу Ивангородда содир бўлган эди».
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 117 ва 118-сериллар.
13.40 «ТИННО» Савдо уйи.
13.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 «Оқ қарға».
14.55 «Гап-гаштакларни кўм саб».
15.25 Телебиржа.
15.50 Янгиликлар.
16.05 «Рост» студияси. «Айболит арчаси».
16.35 Трансросэфир. «Подшо харобаларида» (Владимир).
17.05 Маза, таътиллар. «Моцарт» операцияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 12-серия.
17.35 «Катта доира».
17.55 Эълонлар.

*

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Сезам» кўчаси.
18.15 Мусиқали дастур.
18.30 Хабарлар.
18.40 Эълонлар.
18.45 Концерт.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.55 Жума кунлари Уолт Дисней. «Мапетс Дисней парида». Шоу-программа.

*

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 «Бизнинг ғорлар». Видеофильм.
20.05 «Оила ришталари».
20.55 Манзарали фильм.
21.02 Хабарлар.
21.20 «Ҳафта ниҳоясида». Дам олиш кўрсатуви.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.20 Эълонлар.
22.25 Тунги салон.
23.55 «Яхши қол, Колумб». Бадиий фильм (Англия).
01.10 «Замоскворечье байрам».

Шанба, 9. I

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Каттв бўлишни хоҳламайман». Бадиий фильм.
9.25 «Саломат бўлинг!».
9.55 «Матлубанинг бахти». Телефильм.
10.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Учрашув». Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлар институти ўқитувчи ва талаблари иштирок этадилар.
11.35 Тижорат канали. «Эл хизматида». Самарқанд вилояти Ургут шаҳар «Шердор» ижара корхонаси ҳақида.
12.05 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси халқ чолғу кафедраси талабаларининг концерти.
12.50 Суҳбат Абдулла, Мамат Асқаров. «Ал-Кабир». Алишер Навойи номидаги Наманган вилояти мусиқий драма ва комедия театрининг спектакли.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
18.30 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Телефильм.
19.45 Киноконцерт.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Нодирабегим». Шоира таваллудининг 200 йиллигига.
22.10 «Экран зийнати». «Алишер Навойи» бадиий фильмининг 45 йиллигига бағишланади.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

7.00—14.00

* * *

17.00—24.00

● «ОРБИТА IV»

6.40, 21.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.25 Ж. Милн. «Винни-Пух ва бошқа ҳамма, ҳамма». «Волшебная лампа» кўғирчоқ театри фильм-спектаклининг премьераси.
10.25 «Шанба кунги дастхат».
10.55 «Мусиқий дўкон».
11.25 «Авиакосмик салон».
11.40 «Китоб девонида» базм.
12.40 «Эгардан йиқилган». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Камбағалларнинг олтини» сериясидан Велопойга бўйича олимпия чемпиони С. Копилов ҳақида.
13.20 «Технодром».
13.30 Режиссёр Валерий Рубинчик фильмлари. «Сонетлар гулчамбари».
15.00 Янгиликлар.
15.20 Рождество хайрия совғашоу томошалари.
16.30 «Дракулито-вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.55 «Ультра-си».
17.55 «Қизил квадрат».
18.35 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Йиллар оша».
19.05 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Ўтмиш акс-садоси». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Адолат кўчаси» сериалидан (АҚШ).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Юлдузларнинг яратувчиси». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (АҚШ).
22.25 «Брэйн ринг».
23.10 Л. Миникус. «Баядерка» балети. 2-бўлмининг дивертисмети.
24.00 Янгиликлар.
00.35 Париж — Дакар авторалиси.
01.05 Охирги сеанс. Телеэкранда биринчи марта. «Муддати етти кун». Бадиий фильм (Ереван камер театри).

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.25 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш».
8.55 «Ўхшаш дунёлар». Кўрсатувни Е. Парнов олиб боради.
9.40 «Қизалоқлар ва болакайлар, сизлар учун» (Голландия).
9.50 «Ютқазишсиз ўйин».
10.20 «Рост» студияси. «Бизнинг аралаш-қуралаш».
10.50 «Кузирхоним».
11.30 «Нота бене» студияси.
12.25 Маза, таътиллар. «Қирол — Дроздовик». Бадиий фильм.

*

13.40—15.40
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Ягона оилада».
2. «Чисен» (корейс тилида).
3. «Қўшиқ — дўстлик элчиси».
4. «Умид» (уйғур тилида).

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.40 «Чегарасиз футбол».

*

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.40 «Ҳафта».
17.00 «Евроосиё».
17.30 Хабарлар.
17.40 Эълонлар.
17.45 «Сезам» кўчаси.
18.15 «Янка хонанда».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.25 Телеэкранда премьера. «Қўриқчи». Бадиий фильм (АҚШ).
20.20 «Янги йил пироги»
20.30 Телеэкранда премьера. «Штемп». Бадиий фильм.
22.00 Хабарлар.

*

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.20 Видеофильм.
22.35 Экранда Туркия иноси.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.55 «Ад либитум».
00.25 Эълонлар.
00.30 Тунги сеанс. «Уч бора севги ҳақида». Бадиий фильм.

Якшанба, 10. I

● ЎзТВ I

7.00 Ака-ука Шариповлар куйлайди.
7.35 «Қадрдонлар кўчаси». Телефильм.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Аёз бобо». Бадиий фильм.
9.55 «Биргаликда куйлаймиз».
10.25 «Шоҳруҳ» клуби.
10.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувиоқ стартлар».
11.55 «Халқ ижодиёти». Фарғона вилояти Қува тумани «Анор» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти.
12.35 «Инсон ва замин».
13.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
14.25 Тижорат канали. «Тола ва сифат». Навойи вилоятидан кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сеними, шошмай тур». Мультфильмлар тўплами.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Наштар». Ҳажвий киножурнал.
19.40 ЎзТВ хазинасидан. «Назм ва наво». Чустий лирикаси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Саъдулла Сиёев. «Бозор кўрмаган йигит». Телеспектакль.
22.10 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Айбсиз айбдор». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—13.00 Янги йил кўрсатувлари: «Боболардан калган соз»; «Оспурум»; «Дидар-шоу»; «Жомоктор дуйносундо», «Киргиз журтунун таланттуу кизлари»; «Куттуктоолор...».

* * *

18.05 «Маппет-шоу». Қўғирчоқ телефильм-концерт.
18.30 Телетомошабиларнинг талабларига биноан концерт.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Тасма». Киношарҳ.
20.50 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 12-серия (рус тилида).
22.00 «Ирларим — менинг тақдирим». Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Р. Абдуқодиров.

● «ОРБИТА IV»

6.50, 8.30. 15.15 —Кўрсатувлар тартиби.
6.55 «Руҳни чиниқтириш».
7.55 Янгиликлар.
8.35 Эрталабки гимнастика.
8.45 «Спортлото» тиражи.
9.00 «Марказ».
9.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
10.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». Дам олиш кўрсатуви.
10.30 «Тонг юлдузи».
11.20 «Пи» белгиси билан.
12.10 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси.
12.35 «Янги авлод танлайди».

«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:

13.25 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.35 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

14.25 «Эрмитаж». Кўп серияли телефильм премьераси. 2-фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саёҳатчилар клуби».
16.10 Мультфейерверк: «Каспер ва унинг дўстлари (Англия), «Ҳақиқий ажина овловчилар» (АҚШ).
17.05 Халқ куйлари.
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.40 «Ҳунарли хор бўлмайди».
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 Марининскда променад.
19.55 «Оба-На-Угол» шоу томошалари.
20.25 «Лорд Артурнинг жиноятн». Телевизион бадиий фильм премьераси («Экран» ва «Арком» фирмаси).
21.55 Эълонлар.

*

22.00 «Якунлар».
22.45 «Ника юлдузлари». Халқаро кинофестиваль якунлари. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
8.50 «Ташрифнома».
9.20 «Қизалоқлар ва болакайлар, сизлар учун (Голландия).
9.30 «Рост» студияси. «Эй, қорбоболар...».
10.00 «Қироллиқдаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм.
10.30 «Мегаполис».
11.00 «Ати-бати...».
11.30 Телекроссворд. «Муз-биржа».
12.00 Такрорий фильмлар кинотеатри. «Тиш докторининг саргузаштлари». Бадиий фильм.
13.20 «Балиқ кўз».

*

13.40—18.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Ўзбекистон — қадрдон уйим».
2. «ЭКОСАН». Экология ва саломатлик жамгармасининг хабарномаси.
3. «Безнен мирас» (татар тилида).
4. «Бурч» кўрсатуви.
5. «Рангинкамон» (тожик тилида).
6. «Дўст билан обод уйинг».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Хабарлар.
18.20 Танаффус. «Яблоко» гуруҳи.
18.35 Уолт Дисней ининг сеҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч».

*

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Видеофильм.
20.00 Ҳужжатли фильм.

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.15 Голливуд классик фильмлари фестивали.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.

*

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.20 «Пазар-92».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

24.00 Спорт кўрсатуви.
00.05 Стас Намин маркази (Эс-Эн-Си) таништиради. «Эс-Эн-Си» тунги клуби».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 1 январь сонидан олинди.

• ҚУТЛОВ

БОР БЎЛИНГ, ОМОН БЎЛИНГ!

БАРЧА соҳада бўлгани каби халқ таълимининг ҳам ўз тарихи, ўтмиши мавжуд. Албатта, уни яратишда ва равнақ топишида маълум кишиларнинг ҳиссаси бўлади. Мен ана шундай мўътабар ижодкорлар ва яратувчилар сафига айни пайтда олтмиш ёшини қаршилаётган Меливой ака Арслоновни ҳам қўшгим келади. Зотан, у умрининг қарийб қирқ йилдан кўпроғини жумҳурият халқ таълими тизимини ривожлантиришга сарфлади.

Қаерда ва қайси лавозимда ишламасин ўз кучи ва ғайрати, билими, ақл-заковати, қалб қўри, бой тажрибасини келажак авлод тарбиясига бағишлади. Шу боис Меливой акани яхши билган, у билан бирга ишлаган, ҳамсуҳбат бўлган кишилар унинг камтарин, жафокаш ва меҳнаткаш инсон эканлигини таъкидлашади.

У халқ таълими оғушига педагогика институтини тугатгандан сўнг, 1955 йилда кириб келди. Илк мустақил фаолиятини Калинин районидаги 27-болалар уйида кашшофлар етакчилигидан бошлади. Қисқа вақт ичида у ўзининг ўз касбига садоқат билан ёндошадиган меҳнаткаш тарбиячи эканлигини кўрсатди.

Ўша кезларда республиканинг чекка вилоятларида ҳали педагогиканинг изчил томонларини мукаммал билган ва болалар руҳиятини чуқур эгаллаган тарбиячилар етишмасди. Халқ таълимн вазирлигининг тавсияси билан Меливой ака Хива шаҳридаги хотин-қизлар педагогика билим юртига ишга юборилди. Икки йилдан сўнг у яна вилоятимизга қайтди. Юқоричирчиқ районидаги болалар уйида тарбиявий ишлар бўйича директор муовини этиб тайинланди. Бу ерда ҳам тез кунда ўзининг ишчанлигини, меҳнатсевар киши эканлигини кўрсатди. Унинг бу фаолияти «Болалар уйи тарбияланувчилари билан яккама-якка ишлаш натижалари» мавзуидаги семинар-кенгашда намоён бўлди. Ана шу мавзунинг ўзиёқ болалар уйи тарбияланувчилари билан ишлашнинг бир қатор муаммоларини ечиб берди. Ахир, «Болалар уйи»нинг талабалари билан ишлашнинг ўзи бўладими?! Ҳар томонлама етук кишигина, амалиёт билан меҳнатни, тарбия билан ҳаётни тенг қўйган раҳбаргина ота-она меҳрига зор, ғамхўрликка интиқ, мурғак қалблардан жой олади. Меливой ака уларга ҳам ота, ҳам она, ҳам тарбиячилик қилди.

Албатта, ўз касбига меҳр қўйган киши, виждонан меҳнат қилган киши кам бўлмайди. У 1959 йилда Қибрай районидаги Байтқўрғон қишлоғида жойлашган болалар уйининг директорлигига тайинланди. Сўнгра пойтахтда меҳнат қилди. 1965 йилда у Ўзбекистон халқ таълими вазирлигига ишга таклиф қилинди. Бу — катта ишонч эди. Буни дилдан ҳис этган тажрибали педагог, етакчи мутахассис сифатида ўзининг бой тажрибасини мактаб-интернатлар, болалар уйларининг фаолиятини яхшилашга сарфлади.

Давр руҳиятини ўзида сингдира олган, ҳар қандай қийин дамда ҳам ақл, доно лик билан муаммоларни ҳал этадиган кишилар меҳнат жабҳасининг оғир фронтига ташланади. Шу боис 1972 йилда у республика ақли ожиз болалар мактаб-интернатига директор этиб тайинланди. Жамиятнинг энг чигал нуқтаси бўлган бу даргоҳда меҳнат қилиш учун мустаҳкам ирода керак. Меливой акадаги тетик руҳ уни янги йўналишлар сари етаклади. Қисқа муддат ичида бу ерда бир қанча иншоотлар вужудга келди. Шунингдек, ақли ожизлар билан ишлаш услубияти масалалари юзасидан матбуотда бир қанча чиқишлар қилди. 1978 йилда у ҳунар-техника таълими тизимига ишга келди. 12-ҳунар-техника билим юртига директорлик қила бошлади. Болаларга касб ўргатишнинг очилмаган қирраларини билим юртида жорий этиш ишига бевосита раҳбарлик қилди. Унинг жонкуярлиги туфайли 480 ўринли таълим комплекси бунёд этилди. Мели ака ўзининг қирқ йиллик меҳнат фаолиятида бир қанча фахрий ёрлиқлар, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кумуш медали, Ўзбекистон халқ таълими ва ҳунар-техника таълими аълочиси унвонларини олиш бахтига муяссар бўлди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ва 12-ҳунар-техника билим юрти маъмурияти уста мураббий, фидокор инсоннинг қутлуғ 60 ёшини муносиб нишонлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб берди. Унинг ёру-дўстлари, ҳамкасблари келгуси ишларида улкан ривожлар тилаб қолади.

Б. ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, олий тонфали ўқитувчи.

• АСКАРЛАР ҚАСАМИ

«Эркингга фидойи посбонларингмиз»

Ёдингизда бўлса, яқинда ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг кузатиш маросимлари ҳақида ҳикоя қилган эдик. Эгниларига илк бор аскарлик либосларини кийган ўғлонлар мана энди турли ҳарбий қисмларда ўз йигитлик бурчларини ўташни бошлаб юбордилар.

Уларнинг аксарияти Президентимиз фармонига биноан жумҳуриятимизда қолдилар. Бир ойлик муддат бир сўз билан айтганда йигитларимиз учун ҳарбий ҳаётга кўникма ҳосил қилиш ва имтиҳон даври бўлди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг навқирон посбонлари сафда юришни, бир-бирлари билан ҳарбийча мулоқотда бўлишни ўрганиб олдилар. Кўпчиликлари дастлабки жанговар машқларда ҳам иштирок этишди. Асосий эътибор қасамёд қилишга ҳозирлик кўришга қаратилди. Байрам арафасида жумҳуриятимиздаги барча ҳарбий қисмларда ана шу маросим тантаналари бўлиб ўтди. Шу йилнинг октябрь—ноябрь ойларида ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар мустақил жумҳуриятимизни ҳушёр ва ҳалол туриб, садоқат ҳамда ифтихор билан қўриқлашга қасамёд қилдилар.

Биз ҳарбий бўлинмаларнинг бирида бўлиб ўтган ана шу қасамёд қилиш тантанасида иштирок этдик. Кафтдек текис майдонда минглаб ёш аскарлар саф тортишган. Атрофда уларни аскарлик фаолиятини бошлашаётгани билан қутлагани келган ёр-у биродарлари. Оналарнинг кўзларида севинч ёшлари. Ҳаммалари сафда ҳарбий кийимда турган ўғилларига ҳавас билан термуладилар. Ҳаяжонли дақиқалар тобора яқинлашиб келарди. Дастлаб бўлинма командирлари аскарларнинг шахсий таркиби хусусида маълум қилдилар. Сўнг минбарга кўтарилган бўлинма командири Исоқжон Фозиловнинг ҳарбийча ҳайқириғи янгради. Унинг даъвати билан гўё бутун борлиқ чуқур сукунатга чўмиб қолгандек бўлди. Шу пайтда ҳарбий мусиқачилар гуруҳи ижросида Ўзбекистон мадҳияси янгради. У тугаши билан даврага ҳарбий кийимлари ўзларига ниҳоятда ярашиб тушган икки зобит жумҳуриятимиз байроғини баланд кўтариб олган аскар йигитни кузатиб, майдонга кириб кела бошладилар.

Ҳамманинг нигоҳи аскар қўлида қилпираб турган байроққа қадалди. Сўнг қасамёд қилиш бошланди. Ёш ватан посбонлари навбат билан бўлинма командирлари ёнига келиб, асосий бурчларини бажара бошладилар. Бутун майдон узра таралган баланд овозлар бир-бирига уланиб кетди.

Қасамёд қиламан, қасамёд қиламан... тантана то тушга қадар давом этди. Қисм командири ва унинг ўринбосарлари ҳамда ота-оналар ёш аскарларни мустақил жумҳуриятимизни ҳимоя қилишга киришганликлари билан қутладилар. Биз айрим зобит ва аскарлар билан суҳбатлашдик. Подполковник Турсунбой Раҳмонов, Ўзбекистон мудофаа вазирлигининг шахсий таркиб билан ишлаш бўлими ходими:

— Шу кунларда бундай қасамёд қилиш кечалари республикамиздаги ҳамма ҳарбий қисмларда бўлиб ўтмоқда. Аскарларнинг аксарият қисмини асосан ўзбек миллатига мансуб йигитлар ташкил этади. Демарли барча машғулот ва жанговар машқлар эндиликда соф ўзбек тилида амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда ҳақиқий ўзбек миллий армияси таркиб топиб бормоқда.

Оддий аскар Умид Иброҳимов:

— Мен йигитлик бурчимни ўташга Тошкент вилоятининг Пискент районидан келганман. Бу ерда малакали мутахассислар кўмагида ҳарбий хизмат ҳаётига тобора кўникиб бораяпмиз. Бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг посбони сифатида қасамёд қилиш бахтига муяссар бўла олганимдан хурсандман.

Тадбир сўнггида майдон йўлакларидан ҳарбийча тартиб билан саф тортган ёш аскарлар баланд овозда жўр бўлишиб ўзбек тилида қўшиқ айтиб ўтишди:

Ой порлар юлдузли
байроғингда эл,
Темурнинг руҳи бор
тупроғингда эл,
Эркинг деб тепади
қалблар эрта кеч,
Сени ўзгаларга
ишонмаймиз ҳеч,
Она эл ўзбегим
фарзандларингмиз,
Эркингга фидойи
посбонларингмиз.

И. ТОШЕВ.

● **СУРАТЛАРДА: ҳарбий қасамёд маросимидан лавҳалар.**

Суратларни Д. АҲМАД олган.

Саидраҳим САЙМОҚОВ

Уни бўкаликларгина эмас, бутун республика танирди. Фидойи, эл-юрт иши учун садоқатли инсон Саидраҳим Саймоқов халқ хўжалиги, айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси билан ҳаётда муносиб ўрин топганди. Афсус, беваҳт ўлим уни орамиздан олиб кетди.

С. Саймоқов 1925 йилда таваллуд топди. Меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги жамоа хўжалигида оддий колхозчиликдан бошлади.

Тошкентдаги молия-кредит техникумида таҳсил олди. 1950-58 йиллар давомида Давлат суғурта идорасида катта инспектор бўлиб ишлади, 1960 йилга қадар район молия бўлимини бошқарди. 1961 йилда собиқ «Коммунизм» (ҳозирги «Янги ҳаёт») колхози меҳнаткашлари уни ўзларига раис қилиб сайладилар. Бу лавозимда 1985 йилгача муваффақиятли меҳнат қилди. Ана шу йиллар давомида жамоа хўжалигини юксалтириш, уни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, қишлоқни ободонлаштириш, деҳқонларнинг турмуш даражасини яхшилаш юзасидан катта ташкилотчилик ишларини олиб борди. Сўнгги пайтда у Бўка райони пилла-чилик идорасининг директори эди.

С. Саймоқов ҳукумат мукофотлари, орден ва медаллари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвонини олган, халқ таълими аълочиси эди.

Ҳамиша халқини ўйлаб келган инсон ҳаётдан кўз юмди. Лекин унинг порлоқ хотираси дўст-ёрлари, жамоатчилик, айниқса, деҳқонлар қалбида абадий сақланади.

БИР ГУРУҲ УРТОҚЛАРИ.

ФРАНЦИЯ КИНОФИЛЬМЛАРИ НАМОЙИШИ

Республика кино уйи Янги йил арафасида тошкентликларни Франция кинематографи билан учрашувга таклиф этди. Бу ерда машҳур «Фильм дю лозанж» кинокомпанияси ишлаб чиқарган фильмларнинг намойиши бошланди.

Француз киноси фестивали ўн кун давом этади. Фестиваль режиссёр Барбет Шредернинг «Товламачилар» фильмини намойиш қилиш билан бошланди. Бу картина қиморбозлик ва унинг оқибатлари ҳақида ҳикоя қилади. Фильм сценарийси бўлган воқеалар асосида ёзилган.

Яқинда Тошкентда жаҳон кино санъатининг устаси Жан-Люк Годар яратган фильмлар намойиши муваффақиятли ўтган эди. Ҳозирги фестиваль ўзбек томошабинларини француз киноси билан таништиришни давом эттиради, энди Франциядаги энг йирик мустақил компаниялардан бирида яратилган картиналар намойиш этилади. Бу компания 30 йилдан кўпроқ вақт давомида бутун жаҳонда француз киносини тарғиб қилиб келмоқда. «Фильм дю Лозанж» ўз маҳсулоти сифатига жуда талабчан бўлиб, бу ерда таниқли режиссёрлар ишлашади.

Кино ихлосмандлари турли йилларда суратга олинган ва кўпгина халқаро фестивалларнинг совринлари билан тақдирланган 11 та тўла метражли ва 6 та қисқа метражли фильмларни томоша қиладилар. Уларнинг орасида «Данден», «Шовқин ва ғазабдан», «Ой тўлган тунда», «Селина билан Жюлининг ёлғончилиги», «Сомалига муҳаббатномалар» ва бошқа фильмлар бор.

Фестивални Франция ташқи ишлар вазирлиги тайёрлаган бўлиб, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ўтказилмоқда.

— Ҳозирги кино байрами мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб умид қиламиз, — деди фестивали очиш тўғида Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият масалалари аташеси Шанталь Контэн хоним. — Келгусида ўзбек томошабинларини кўп таниқли француз режиссёрларининг асарлари билан таништирмоқчимиз, француз томошабинлари орасида ўзбек кинематографини ҳам кенг тарғиб қиламиз. Бу иш ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаб юборилди — Франсияда режиссёр Али Ҳамроев фильмлари муваффақиятли намойиш этилди.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК КОРЕИСЛАР ҲАҚИДА

Тошкентда фаолият кўрсатаётган «Эксфильм» студияси атроф муҳитнинг соғлиғини таъминлаш масалалари билан боғлиқ экран асарларини суратга олиш билан бевосита шуғулланмоқда. Ижодий бирлашма киносанъат аҳли корейс маданият маркази билан бамаслаҳат иш тутиб, «Ўзбекистонлик корейслар» деган икки серияли фильмни яратишга муяссар бўлди.

Тўла метражли ушбу ҳужжатли экран асари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Уни намойиш қилиш учун Жанубий Кореяга юборишмоқчи.

А. АЛИЕВ.

ИЛМ—ХАЗИНА

● Кимки илмдан кўз юмса, кимки ўзи ўқимаса ва ўз фарзандларига билим бермаса, у ўзига, ўз фарзандларига ва ўз қариндошларига нисбатан ўта ёвузлик қилган бўлади.

Гасан ЗАРДОБИЙ.

● Зинҳор унутмангки, илм кишидан бутун умрини сарфлашни талаб этади. Ва борди-ю, сизда иккита ҳаёт бўлган тақдирда ҳам у сизга озлик қиларди. Илм кишидан кўп қувват ва буюк завқ талаб этади.

Иван ПАВЛОВ.

● Илмсиз иш шўрхокка ташланган уруққа ўхшайди. Ишсиз илм эса тириклайин гўрга кўмилган нарсага ўхшайди.

Абдулмажид САНОИЙ.

● Олим асос-эътибори билан жамиятникидир... У жамият туфайлигина ва фақат жамият учунгина яшайди... Жамият учун ортирган ўз билимини у... албатта жамият манфаатлари йўлида сарфламоғи лозим.

Иоганн ФИХТЕ.

● Илмий масалалар билан етарли даражада шуғулланмовчи ҳамда турли туман ишларга берилган одамларга келганда, уларнинг ишларида тартиб ҳам, тизим ҳам бўлмайди.

Абу Наср ФОРОБИЙ.

Муҳаррир ўринбосари С. F. МУСАЕВ.

ҲАРАЖАТИ ЧАҚДИ

ЯНГИ ЙИЛ кутиб олинаётган дамда пойтахтликлар хонадонларига Қорбобо ташриф буюриб, фарзандларини совға билан табриклашига ўрганиб қолган эдилар. Бундай буюртмаларни бажарувчи «Семурғ» маросимлар хизмати корхонаси эндиликда кичкинтойларимизни ушбу усул билан хурсанд қила олмадилар. Сабаби — ёнилғининг нархи янада юқорилаб кетганлиги Қорбоболаримизни қоплари билан шаҳарнинг турли бурчакларига олиб боришга катта тўсиқ бўлди, — дейди корхона директори Р. Назаров. — Ўзингиз ўйлаб кўринг, Сирғали районининг энг яқин мавзесига бориб келиш олти юз сўмга тушади, бунга бошқа хизмат ва совғалар ҳақи кирмайди. Қимматга тушадиган бу хизмат аҳолининг аксари қисмига маъқул келмайди. Ҳозир жамоамиз буюртмаларни асосан ташкилот, корхоналардан олмоқда. Совғаларимиз, Қорбобо ва Қорқизларимизга келсак улар етарли.

Ҳа, аҳолига хизмат кўрсатиш турлари яхшиланиши, ривожланиши ва кўпайиши ўрнига тескариси бўляпти. Бунга айбдорларни топиш мушкул. Чунки иқтисодий қийинчиликлар ҳар соҳада бўлгани каби бу жабҳага ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунга қарамай ҳар ким вазиятдан чиқиш йўлларини ахтарганда, ҳаракат қилганда эди, байрам ҳам, оддий кунларимиз ҳам янада мазмунли ўтар эди.

Ш. РУСТАМОВ.

● **Бензин тақчил бўлгач...**

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ДАҚИҚАДА 20 000 СЎЗ ЎҚИЙДИ

● АЙТИШЛАРИЧА, Наполеон ҳар дақиқада 2000 сўз ўқиш қобилиятига эга бўлган. М. Горький эса 4000 та тезликда ўқиган. Тез ўқиш техникасини ўргатиш маркази (Москвада) бош директорининг айтишича, тез ўқишда уларни жуда орқада қолдириб кетадиганлар жуда кўп. Яқинда тез ўқиш бўйича ўтказилган беллашувда Москва электрон саноати институти студенти Темур Бурганов ғолиб келган. У матнни дақиқасига 20 000 сўз тезлигида ўқиган. Солиштириш учун шуни айтиш кифояки, оддий ўқиш тезлиги 60 сония давомида 500 сўздан ошмайди.

ХАЗИНА ОРБИТАДА УЧИБ ЮРИБДИ

● НАСА астрономларининг хабар беришича, ер атрофидаги орбитада аниқланган астероид ниҳоятда катта қотишма бўлиб чиқди, унинг таркибида миллиардларча тонна чўян ва никелдан ташқари 100.000 тоннага яқин платина ва 10.000 тонна олтин бор экан.

Олимлар астероид таркибини радар ёрдамида аниқладилар. Радарнинг осмон жисмидан қайтган нурларини ўрганиб шундай хулосага келдилар. Тахминан триллион доллар нарх қўйилаётган хазина Ердан бор йўғи 20 миллион мил масофада турибди. Астрономик ўлчовлар бўйича бу жуда яқиндир, деб ёзади «Интернэшнл уайлдлайф» ойномаси.

ЭНГ ЯҚИНИ ЕЛИН ЭКАН

● ГАННОВЕР ветеринария институтининг профессори Вольфганг Лешер шундай деб ҳисобламоқда. Унинг фикрича, тери қатлами устида синовлар олиб боришда ва турли малҳамларни ҳайвонларда синовдан ўтказишдан воз кечиш лозим. Ганновер олимлари томонидан уч йил давомида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, тери қатлами устида ўтказиладиган тажрибаларни қушхоналарда сўйилган сигирлар елинида олиб бориш мумкин. Маълум бўлишича, елин ўзининг хусусиятлари жиҳатидан инсон терисига жуда яқин турар экан.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Бекобод шаҳар ҳокими Э. Рўзиевга укаси

Елқин РЎЗИЕВнинг

беваҳт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.

АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.

● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-10. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.30. 31379 нусха босилади.